

Суперсегмент фонетик воситаларда эмоционал- экспрессиликнинг ифодаланиши

З.Худоёрова БухДУ 2-курс магистранти

Нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиш типлари, ўзгариши, бўғин, интонация, пауза, урғу каби фонетик ҳодисалар ва уларга хос хусусиятлар ҳақида тавсифий фонетикада фикр юритилади. Кайд қилинган ҳодисалар нутқий алоқа жараёнида яхлит бир системага бирлашиб, ягона нутқий актни юзага келтиради.¹ Шундай нутқ занжирини ҳосил қилувчи сегмент ва суперсегмент элементлар нутқда деярли бир хил иштирок этади. Аммо эмоционал-экспрессивликни ифодалашда суперсегмент элементларнинг роли каттадир.

Биз ушбу мақоламизда суперсегмент фонетик воситаларда ифодаланган эмоционал-экспрессивлик ҳақида фикр юритамиз.

Суперсегмент фонетик воситалардан бири интонациядир. Интонация “лотинча” сўз бўлиб, баланд товуш билан талаффуз қилиш, оҳанг демакдир.² Интонация нутқ бўлақларининг синтактик маъноси ва ҳиссий бўёқдорлигини ифодалаш учун хизмат қилади. У нутқда овознинг баланд-пастлиги, оҳанг орқали рўёбга чиқади.

Интонацияга хос хусусиятлар рус тилшунослигида В.А. Артёмов, И.А. Светазарова, Э.А.Бризгунова, Н.В.Черемисина, А.Н.Васильева, А.А.Мачкова, А.К. Цеплитис, Р.М. Гайдучик каби олимларнинг илмий ишларида учрайди.

Ўзбек тилшунослигида эса интонацияга хос хусусиятлар А.Ғуломов, Ҳ.Йўлдошева, Э.Қиличев, И.Ҳожиалиев, А. Хайдаровларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган. Х. Йўлдошова интонацияга хос хусусиятларни экспериментал фонетика нуктаи назаридан таҳлил қилган бўлса, тадқиқотчи А. Хайдаров уз илмий ишида интонациянинг коннотатив маъно ифодалаш ҳақида фикр юритади. Айрим тилшунослар фикрича, интонация оғзаки нутққа хос бўлиб, алоҳида бир системани ташкил қилади.³

Нутқ мелодикаси ва ритми, нутқ тезлиги ва тембри, логик урғу кабилар интонациянинг таркибий қисмлари бўлганидан буларнинг барчаси суперсегмент воситалар ҳисобланади ҳамда доимо нутқ таркибида яшайди.

Гапнинг ҳар бир бўлаги тезлиги турли коммуникатив (алоқа) турларида ҳар хил бўлади, чунки ҳар бир гап маълум функцияни бажаради.

Дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар фикр билдиради. Ундов гаплар эмоция ифодалайди.

Эмоционал-экспрессивликни ифодалашда интонация алоҳида характерга эга, чунки у ҳар қандай гапнинг асосий ва характерли белгисидир. У гап қурилишида алоҳида бирлик сифатида иштирок этади. Интонация икки вазифани бажаради. 1) эмоционал бўлмаган гаплардан эмоционал гап ҳосил

¹ Ҳожиалиев Н. Интонациянинг нутқий мулоқотдаги ўрни. Ўзбек тили ва адабиёти 2002, №2

² Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.”Ўқитувчи” 1985. – Б – 40

³ Қиличев Э. Интонация ҳақида мулоҳазалар. Ўзбек тили ва адабиёти, 2001 йил, 1,5 63-65.

килади, яъни ундов интонацияси билан айтилган ҳар қандай гап эмоционал гапга айланади.

Масалан: What wonderful weather! What a fine day !

2) Сўзловчининг ҳис-туйғуси – эмоциясини ифодалайди.

Эмоционаллик гап тезлигига қараб ҳам белгиланади. Гапнинг ҳар бир бўлаги тезлиги турли коммуникатив турларида турлича бўлади. Жумладан, дарак гап бошида берилган эга гап тезлигига кўра секинроқ бошланиб, кесим таркибидаги максимум даражага етади. Ундов гаплар эса ҳаяжонли белгига эга бўлганлиги учун баланд товуш билан талаффуз этилади. Аммо тезлик пасаяди. Нутқ оҳанги гапдаги сўзларнинг баланд ёки паст талаффуз этилиш системасидир. Шунинг учун сўроқ гаплар оҳанги дарак гаплар оҳангидан тубдан фарқ қилади. Худди шунингдек, сўроқ гап буйруқ гапга нисбатан давомли талаффуз қилинади.

Масалан: Why should it worry you?

How about phoning them?

Ажратилган гап бўлаклари, ундалма, кириш сўзлар оғзаки нутқда оҳанг билан ажратилади ва ёзма нутқда тегишли тиниш белгилар билан ажратиб ёзилади.

Perhaps, it will rain!

Ушбу мисолда, **Perhaps** кириш сўзи ёзувда вергул билан ажратилган бўлса, оғзаки нутқда интонация билан талаффуз қилинади.

Сўзларни нутқда турли эмоционал-экспрессив интонация билан айтиш орқали севиш, хайрат, ажабланиш, ишонч, бефарқлик, эркалаш, эркаланиш, кўрқинч, дахшат, безовталиқ, ачиниш, руҳий қийналиш, гина, нафрат, ғазаб, аччиқланиш, қайғуриш, раҳм қилиш каби қатор коннотатив маънолар рўёбга чиқади.

Ахир к-к-ким бўлса ҳам Доминикинога ёрдам қ-қилиши керак-ку!

Мисолдаги хайратдан дудуқланиш ким сўзининг талаффузда ўзгаришига яъни *к-к-ким* шаклида айтилишига сабаб бўлган–интонация ўзгарган.

Интонация билан боғлиқ бу бўёқларни илғаб олишда мимика жест ва қарашлар – паралингвистик воситалар катта ёрдам беради. Интонация ўзгариб бориши сўзловчининг руҳий ҳолати ҳақида маълумот беради. Сўзловчи нутқининг мазмуни унинг мақсади ифодаси сифатида шаклланади шунингдек, интонация эса мазмуннинг объектив ёки субъективлиги ҳақида маълумот беради.

Нутқнинг товуш жиҳатдан шаклланишида барча фонетик ва лексик-грамматик воситалар хизмат қилади. Фонетик воситалар ичида интонация алоҳида ўрин тутди. Интонация сўзловчининг нутқ мазмунига бўлган муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади. Машҳур рус кўшиқчиси Ф.А Шаляпиннинг образли айтишича: Интонация–фикрни гўё темирйўл поездни кўтариб тургандек ушлаб туради. Интонация туфайли нутқнинг фонетик бўлинишида ҳосил бўлган бирликлар (фраза, такт, бўғин ва товушлар) бир қаторда бир–бирлари билан уланади. Интонация гапда турли хил вазифаларни бажаради. Жумладан, у гап турини, компонентлари орасидаги

боғланишни модаллигини эмоционал бўёғини ҳамда ифодалаган санаш, қарама-қарши қўйиш, чоғиштириш каби қўшимча мазмунларни ҳам ифодалайди.

Интонация оғзаки нутқнинг синтактик маънолари ва эмоционал – экспрессив бўёқларини ифода қилувчи ритмик-мелодик ҳодиса сифатида бир системани ташкил қилади. Бу системада интонациянинг эмоционал яъни коннотатив маъно ифодалаш жиҳати асосий ўринда бўлади. Илмий ва расмий-идоравий услубларидан ташқари қолган барча нутқ услубларида интонациянинг коннотатив маъно ифодалаш даражаси кучлидир. Нутқ жараёнида овоз оҳангининг кўтарилиши ёки пасайиши, ундаги жумла урғуси нутқ темпи, овоз темпири, бошқача айтганда, овоз сифати бирлиги интонацияда ифодаланган коннотатив маъно компонентларини ҳосил қилишга ёрдамлашади.

Интонацияда коннотатив маъно таъсир этиш вазифасидан ташқари маълумот бериш вазифасини ҳам бажаради. Бадиий нутқда интонацияда ифодаланган савол,хитоб,дарак,киноя,ғазаб,таъкид каби қатор коннотатив маъно кўринишларидан фойдаланилади. Интонация таъсирида, турли юкламалар воситасида бўлишли формадаги гаплар ҳам бўлишсиз маъноларни бера олади. Булар кўпроқ экспрессивлик, модаллик маъноларини бўрттиради, таъсирчанликни оширади.

Нутқий алоқада интонациянинг икки хусусияти ҳам рўёбга чиқади, яъни интонация мулоқот ўрнатиш ва тингловчига таъсир этиш вазифасини бажаради. Интонация нутқий жараёнда, энг аввало таъсир этиш воситаси сифатидаги хусусиятини намоён қилар экан, бунда эшитилиш жиҳатдан товушнинг баландлиги фарқланади. Услубий жиҳатдан эса интонация таъсир этиш вазифасидан ташқари маълумот бериш вазифасини ҳам бажаради. Жумладан, интонация ўзгариши сўзловчининг руҳий ҳолати ҳақида маълумот беради.

Интонациянинг эмоционаллик жиҳати асосан услубий маъно ифодалайди. Интонация сўзловчининг нутқига маълум услубий бўёқ беришда муҳим восита ҳисобланади.⁴

Услубий жиҳатдан интонация таъсир этиш вазифаларидан ташқари маълумот бериш вазифасини ҳам бажаради. Жумладан, интонациянинг ўзгариб бориши сўзловчининг руҳий ҳолати ҳақида маълумот беради. Сўзловчи нутқининг мазмуни унинг мақсади ифодаси сифатида шаклланади, интонация эса мазмуннинг обектив ёки субъективлиги ҳақида маълумот беради.

Интонация сўзловчининг нутқига маълум услубий бўёқ беришда муҳимдир. Сўзлашув нутқи услубида интонациянинг эмоционал-экспрессив типи туйғунинг кучли ифодаланишини аниқлайди. Буни қуйидаги мисолларда эҳқол кўриш мумкин:

⁴ Ҳайдаров А. Интонациянинг услубий хусусиятлари. Бух ДУ Илмий Ахбороти, 2006 йил, №1-Б. 69-72 бетлар

Stimulus	Response
It is eight o'clock	Heavens (I am late)
When are you coming to France again	Foolness, knows!
He's broken a hand	How awful!
Tom's, passed his examination	What a wonderful news!

Юқоридаги мисолларни таҳлил қилинганимизда, улар асосан ҳайратланиш маъносини ифодалашини кўрамыз.

Демак, интонациядан кундалик нутқда унинг мазмунини теран қилиш ва таъсирчанлигини янада оширишда фойдаланиш мумкин, чунки интонациянинг ўзгариши билан сўзловчининг турли ҳиссиётлари ифодаланади. Интонация асосан оғзаки нутққа хос бўлган суперсегмент фонетик ҳодиса бўлиб, унинг компонентлари пауза ҳамда урғуда ифодаланган эмоционал-экспрессивлик ҳақида алоҳида ишларимизда фикр юритамиз.